


«Tashkent Book Fest - 2019» да “Hilol Nashr” нашриёти маҳсулотлари тақдимоти бўлиб ўтди



17:47 / 03.10.2019 1804

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида «TASHKENT BOOK FEST - 2019» — I Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ўз фаолиятини бошлади.

Бугун, кўргазманинг иккинчи кунида ОАВ вакиллари, ноширлар ва китобхонлар учун муҳим тадбирлар бўлиб ўтди.

Хусусан:

- “Hilol Nashr” томонидан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг **“Олам ва одам, дин ва илм”** номли китоби, шунингдек, **“Hilol Nashr” инновацион кутубхонаси, “Hilol e-Book”** илова дастури тақдимотлари;
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда **“Адабий дўстлик — абадий дўстлик”** мавзусида ижодий учрашув;
- “Академнашр”, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, “Живая книга”, “Сано-стандарт”, “Ўзбекистон”, “Янги аср авлоди” нашриётларида чоп этилган янги асарлар тақдимоти;
- Интеллектуал викториналар, болалар учун бадиий учрашувлар, эртақлар оламига саёҳат ва китоблар кўргазмаси тақдим этилди.

«Tashkent Book Fest – 2019» Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида ўтказиладиган тадбирлар эртага ҳам давом этади.

Манба: ***Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги***